

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

БЎРОНОВ МИЗРОБ МАВЛОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШДАН ЮКСАЛИШГА
ЎТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ
ЖИҲАТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on philosophical sciences**

Бўронов Мизроб Мавлонович

Ўзбекистонда маънавий тикланиш ва юксалишнинг ижтимоий-фалсафий масалалари.....
.....3

Буранов Мизроб Мавлонович

Социально-философические вопросы возрождения и повышения духовности в Узбекистане.....33

Buronov Mizrob Mavlonovich

Socio-philosophical issues of the revival and exaltation of spirituality in Uzbekistan.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

БЎРОНОВ МИЗРОБ МАВЛОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШДАН ЮКСАЛИШГА
ЎТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ
ЖИҲАТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Fal174 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Қуронов Муҳаммад Қуронович,
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Яхшилик Яхшиликovich,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Абдуллаева Насиба Бўроновна,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «15» сентябрь, соат 11.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2020 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.А. Шермухаммедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси в.в.б., фалсафа фанлари доктори, профессор

У. Махкамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Г. Махмудова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (PhD докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда маънавий ва маърифий омиллар ривожини асрлар давомида ижтимоий онгини шакллантириш, халқ дунёқарашини такомиллаштириш, давлат тараққиёти, жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим рол ўйнаб келган тадрижий жараён ҳисобланади. Маънавиятсиз ва маърифатсиз жамият ўз маъно-моҳиятини йўқотади, тараққиёт йўлини топа олмайди. Фақат маънавияти юксак, ижтимоий онги юқори, миллий ғоясига ишончи мустаҳкам бўлган жамиятгина етуклик касб этиб, ривожланиш сари қадам ташлайди. Бутун дунё мамлакатларининг аксариятида ушбу жабҳадаги ўзгариш ва янгиланишларга урғу берилаётгани, бу борада кўплаб илмий ишлар олиб борилаётганининг асл сабаби ҳам ана шунда.

Жаҳонда маънавий ва маърифий соҳаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотларга муҳим аҳамият қаратилмоқда. Зеро жамият аъзоларининг ижтимоий онги, тафаккури, маънавияти ўз-ўзидан такомил топмайди ва у амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишлар самараси, жамият аъзолари онгида яхлит миллий ғоянинг, манфаатлар уйғунлигининг шаклланиши туфайли содир бўлади. Шу жиҳатдан ҳам мазкур соҳадаги илмий тадқиқотларда инсон онги ва ахлоқи, унинг маънавий қиёфасини бойитиш, шахс ва жамият уйғунлигининг давлат ва жамият барқарорлиги билан узвий боғлиқлиги масалаларига устувор даражада эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунларданок, айниқса, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида маънавий-маърифий ишларни азалий миллий кадрларимиз, бой маънавий-маърифий бойлигимиз, дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган тарихимиз, миллий ўзлигимиз ва замонавийликни мужассамлаштириш асосида амалга оширишга бу жараёнда ёшлар тарбияси ва маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Албатта, биз мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётини позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш бўйича катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Аммо ҳолисона тан олиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда бутун дунёда аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётганини, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, «оммавий маданият» каби таҳдидлар кучаяётганини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум ҳам сусайтирмасдан, аксинча, уларни янги босқичга кўтаришимиз зарур”¹. Ушбу ғоявий ёндашувдан келиб чиққан ҳолда мазкур соҳада, жумладан, маънавий-маърифий тадқиқотлар методологиясини ташкиллаштириш, маънавий тараққиёт тарихий-тадрижий босқичлари тажрибасидан мақсадли фойдаланиш ҳамда глобаллашув шароитида маънавий-маърифий ишлар

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент. Ўзбекистон. 2018. – Б.15.

самарадорлигини оширишнинг илмий асосланган ечимларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, 2019 йил 8 апрелдаги ф-5465-сон “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини маънавий-ахлоқий ва маданий тамойиллари инновацион иқтисодий шакллантириш”нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маънавий тикланиш ва юксалишнинг илмий-назарий асослари ва мамлакатда ушбу фаолиятнинг ҳаракат дастурлари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов² ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев³нинг нутқлари, маъруза ва китобларида баён қилиниб, алоҳида бир

2 Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -2-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -Б. 380.; Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -3-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -Б. 366.;Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -1-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996.-Б. 364.; Бунёдкорлик йўлидан. -4-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -Б. 349.; Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. -5-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -Б. 384.; Хафсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -6-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -Б. 429.; Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. -7-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -Б. 410.; Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. -7-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999.; Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. -8-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -Б. 528.; “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласига ёзилган сўз боши. -Тошкент: Ўзбекистон, 2001. -Б. 80.; 2001 йил 18 февралдаги “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва Республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида”ги Фармойиши //Халқ сўзи, 2001 - 19 январь; Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. -Б. 107.

3 Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент, Ўзбекистон. 2017 йил. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. -Тошкент, Ўзбекистон. 2017 йил. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Тошкент, Ўзбекистон. 2017 йил. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. -Тошкент, Ўзбекистон. 2016 йил. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил. Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарт. -Тошкент, Ўзбекистон. 2017 йил. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. – Тошкент, Ўзбекистон. 2017 йил. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир. -Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. -Тошкент, Ўзбекистон. 2018-2020 йиллар.

йўналиш сифатида шаклланди. Жамиятда маънавий ҳаётни шакллантиришда миллий маънавиятнинг қадимий манбаларидан бири ҳисобланган “Авесто”, Шарқ буюк мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Имом Бухорий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ва бошқа буюк алломаларнинг асарлари муҳим ўрин тутди. Шунингдек, улуғ маърифатпарвар, жадид мутафаккирлар Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитратлар асарларида орзу қилган жамиятнинг маънавий қиёфаси ҳақида ижтимоий-фалсафий қарашлари муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда маънавий ҳаёт ва фаолиятнинг сиёсий, ижтимоий, фалсафий, аксиологик ва тарихий жиҳатларини ёритишда хизмат қилган Э. Бобомуродов, М.М. Хайруллаев, Э. Юсупов, Ж. Туленов, Х. Алиқулов, А. Иброҳимов, Н. Жўраев, С. Отамуратов, А. Валиев, М. Қурононов, Б. Иминов, М. Жакбаров, М. Бекмуродов, А. Маврулов, М. Юлдашев, С. Тўйчиева, Г. Туленова, М. Хаджиева, А. Мухторов, Р. Рўзиева, С. Шермухаммедов, И. Саифназаров, И. Худойбердиев, А. Исмоилов, А. Очилдиев, А. Юнусов, Б. Жўраев, Б. Очилова, Д. Норқулов, С. Мамашокиров, У. Абилов, Ш. Эргашев, С.М. Абдуғаниева ва бошқа олимларнинг ишларини алоҳида таъкидлаймиз⁴.

Жамият маънавий ҳаётининг айрим хусусиятлари, ҳуқуқий, тарихий, педагогик, бадий, психологик масалалари А. Бегматов, А. Хайдаров, А. Эркаев, Б. Шарипов, И. Эргашев, М. Имомназаров, Н. Ортиқов, Р. Воҳидов, Ў. Юсупов, Ҳ. Бобоев, Ж. Яхшиликков ва бошқаларнинг ишларида илмий жиҳатдан ўрганилган⁵.

Хорижлик олимлардан В.Куценко, А.Морозов, В.Петрищев, А.Сильнов, В.Лунев, Н.Борщов, В.Кудрявцев, З.Бжезинский, Т.Нейрен, А.Тойнби, О.Шпенглер, Ф.Фукуяма, П.Ж. Бьюкенен сингари ўнлаб тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида глобаллашув шароитида дунёнинг маънавий-мафкуравий тебранишлари, турли жамиятлараро, гуруҳлараро зиддиятлар, ҳаёт тарзлари, дунёқарашлар қарама-қаршилиги, жамият ва инсон маънавий қиёфасининг тусланиши назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

4 Иброҳимов А. ва бошқ. Ватан туйғуси. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б. 396. Жўраев Н.К. Агар огоҳ сен... Портретга чизгилар. Сиёсий эссе. –Тошкент: Ёзувчи, 1998. –Б. 272. Валиев А. Миллий ғоя ва миллий мафкура. Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. –Тошкент: Фан, 2000. –Б. 272. ва ҳ.к.

5 Хайдаров А. Маънавият ҳуқуқий давлатнинг таянчи. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996; Бегматов А., Бекмуродов М. Миллий менталитет ва маънавият. –Тошкент: Адолат, 2002; Воҳидов Р. Маънавият – комиллик саодати. –Тошкент: 1997; Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997; Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. –Тошкент: Шарқ, 1998; Юсупов Э., Юсупов Ў. Оила – маънавият булоғи. – Тошкент: “ЎАЖБТН” маркази, 2000; Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. –Тошкент: Шарқ, 2000; Бобоев Ҳ., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2000; Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. –Тошкент: Маънавият, 2002; Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. –Т.: Академия, 2002; Маҳмудов М., Маънавий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ академияси, 2003; Яхшиликков Ж., Мухаммадиев Н. Миллий ғоя ва мафкура. –Т.: Фан, 2015; Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. –Т.: Фан, 2018 ва бошқ.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Ўзбекистонда маънавий-маърифий сиёсатнинг тадрижий ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари” мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мустақил Ўзбекистондаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“маънавий тикланиш” тушунчасининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб бериш, унинг Ўзбекистонга хос хусусиятларини кўрсатиш;

Ўзбекистондаги маънавий тараққиётнинг ижтимоий-тарихий босқичларини аниқлаш ва илмий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш;

бугунги глобаллашув шароитида маънавий-маърифий фаолиятнинг моҳияти ва унинг ижтимоий-фалсафий аҳамиятини очиб бериш;

маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш истиқболлари тўғрисида тегишли илмий ечимлар бериш, хулосалар чиқариш, таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда маънавий тараққиётнинг тарихий-тадрижий босқичлари, тикланиш жараёнлари, юксалиш ва ривожланиш истиқболлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда маънавий ҳаётнинг тарихий илдизлари, маънавий тикланиш жараёнлари ва юксалиш истиқболларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмийлик, тарихийлик, мантиқийлик, тадрижийлик, тизимлилик, таққослаш, анализ ва синтез, суҳбат, интервью, контент таҳлил, умумлаштириш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“маънавий тикланиш” тушунчаси давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатидаги миллий ўзликни англаш, қарамлик ва кўрқув туйғусидан халос бўлиш, адолат ва миллий ғурурни тиклаш, янги дунёқарашни шакллантириш хусусиятлари очиб берилган;

Ўзбекистонда маънавий тараққиётнинг тарихий-тадрижий босқичлари (“Авесто” яратилганига қадар; эрамиздан олдинги 2700 йиллардан эрамизнинг 700 йиллари; Ислом дини кириб келгандан кейинги; Чор Россияси босқинидан мустақилликка эришганига қадар; мустақиллик даври) ва уларнинг миллий маънавиятни шакллантиришдаги диалектик тараққиёт жараёнлари асосланган;

глобаллашув шароитида маънавий-маърифий фаолиятнинг жамият барқарорлигини таъминлашдаги моҳияти (мунтазамлик, изчиллик, прагматик, праксиологик), миллий маънавиятга ёт ҳаёт тарзлари, бузғунчи

ғояларнинг жамиятга кириб келиш (эзгу шиорлар ортидаги ёвуз яширин мақсадлар) усул ва кўринишлари очиб берилган;

маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга инновацион сегментар (бўлақлар, қисмлар, гуруҳлар маънавияти) ёндашувни табақалаштирилган ҳолда ижтимоий қатламлар, гуруҳлар, тоифалар, жинслар бўйича маънавият формулаларини яратиш усуллари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда маънавий тикланиш жараёнларининг жамият тараққиёти учун аҳамияти асосланган;

Ўзбекистонда маънавий тараққиётнинг тарихий-тадрижий босқичлари аниқланган ва уларнинг илмий-фалсафий жиҳатлари очиб берилган;

глобаллашув шароитида маънавий-маърифий фаолият моҳияти ва унинг ижтимоий-фалсафий аҳамияти, миллий маънавиятга ёт ҳаёт тарзлари, ғояларнинг жамиятга кириб келиш усуллари очиб берилган;

маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга инновацион ёндошувни жорий қилиш бўйича илмий ечимлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ушбу тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланган назарий ёндашув ва тамойилларни асословчи далил ва мисоллар расмий манбалардан олингани, ўтказилган контент анализ, тадқиқот ва таҳлил натижалари назарий-методологик, илмий ва амалий жиҳатдан тўлиқ асослангани ҳамда хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилиб, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бугунги Ўзбекистонда жамиятни янада демократлаштириш ва модернизациялаш жараёни ҳамда маънавий-маърифий ишлар тизимини такомиллаштириш йўналишдаги илмий, назарий ва фундаментал тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларидан республикада маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда маънавий тикланиш ва юксалишнинг ижтимоий-фалсафий масалалари бўйича ишлаб чиқилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар асосида:

“маънавий тикланиш” тушунчасининг фалсафий жиҳатдан асослаб берилган Ўзбекистонга хос хусусиятларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги 101-сон “Фавворалар сайли тўғрисида”, “Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 21, 22, 23, 24, 25 йиллигини муносиб нишонлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва баёнларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 мартдаги 07/1-1810-сонли маълумотномаси).

Илмий натижалар жамиятда ижтимоий муҳитни яхшилаш, аҳолининг турли катламлари орасида консорциумни кучайтиришда хизмат қилган;

Ўзбекистонда маънавий тараққиётнинг тарихий-тадрижий босқичлари (“Авесто” яратилганига қадар; эрамиздан олдинги 2700 йиллардан эрамизнинг 700 йиллари; Ислом дини кириб келгандан кейинги; Чор Россияси босқинидан мустақилликка эришганига қадар; мустақиллик даври) ва уларнинг хусусиятлари асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2017 йил 2 августда ўтказилган йиғилиш баёнида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 600-сонли буйруғининг 10-илоvasи ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 августдаги 89-03-2706-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ёшларда замонавий тафаккурни, инсонийлик, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш бўйича самарали тадбирларни ташкил қилиш имконини берган;

глобаллашув шароитида маънавий-маърифий фаолиятнинг жамият барқарорлигини таъминлашдаги роли, миллий маънавиятга ёт ҳаёт тарзлари, ғояларнинг жамиятга кириб келишининг тарихий-анъанавий, замонавий усуллари бўйича берилган илмий хулосалардан 3–9 синфлар учун “Тарбия” дарсликларининг концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 3 декабрдаги 06-06/4-3456-сон маълумотномаси). Хулосалардан фойдаланиш халқ таълими тизимида ўқувчиларнинг ёши, оилавий муҳити, ижтимоий келиб чиқишига қараб ёндошувни шакллантириш имконини берган;

маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга инновацион сегментар (бўлақлар, қатламлар, гуруҳлар маънавияти) ёндашувни жамият ҳаётига жорий қилиш бўйича илмий ечимлар педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида амалга оширилаётган (2017–2020 йй.) №ФЗ-201-0910202206 “Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик технологиялари” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган. (Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 3 декабрдаги 06-06/4-3456-сон маълумотномаси). Илмий ечимлардан фойдаланиш умумтаълим мактабларида, маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлаш, улар билан тарбиявий ишларни ташкил қилиш услубларини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 2 та рисола, 1 та

қўлланма, 4 та тўплам, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та (7 та республика, 1 та хорижий журналларда), 2 та халқаро конференцияларда, 4 та республика илмий-амалий конференциялари тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, методлари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти билан боғлиқ жиҳатлари асослаб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Жамият маънавий тикланиши жараёнининг ижтимоий-фалсафий моҳияти”** деб номланган. Мазкур бобда маънавий тикланишнинг моҳияти, таркиби ва ижтимоий-фалсафий аҳамияти, миллий мафкура озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётнинг маънавий манбаи сифатидаги ўзига хос жиҳатлари ҳамда жамият онги ва қалбига қаратилган глобал таҳдидлар таснифи ижтимоий-фалсафий жиҳатдан очиб берилган.

Диссертацияда аждодларимиз қолдирган фалсафий меросни ўрганиш, уни чуқур тадқиқ қилиш, маънавий-маърифий тарихни ўрганиш жамият тараққиётининг ажралмас шарти экани тадқиқ қилинган. Ушбу бой миллий меросни ўрганмасдан туриб, жамият маънавиятини бойитиш, инсонлар тафаккурини янгилаш, яшаш тарзидаги эски тузумдан қолган сарқитларни бартараф этиш, эркин фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мумкин эмас.

Фуқаролар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ижтимоий гуруҳларнинг бири-биридан фарқ қиладиган дунёқараши, қабул қиладиган ахборотлари, ҳаёт тарзи таъсирида жуда мураккаб кечадиган жараён дир. Унда ҳар бир жамият аъзоси ёки тоифа, қатламнинг тарихий шаклланган инсоний фазилатлари, замон турланиши ва тусланишидан олинган хулосалари, ўша давр муаммолари ва психологияси, давлат сиёсати ва фуқаролар ўртасидаги стихияли ахборот алмашинуви ва инсон онгига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар муҳим рол ўйнайди. Инсон маънавиятининг таркибий қисми мана шу омилларнинг таъсир этиш, қабул қилиниш даражасига боғлиқ бўлади.

Диссертацияда инсониятнинг илк маънавий меъроси намуналари, инсон маънавиятнинг илк босқичдаги энг қадимги илдизлари, аждодларимизнинг буюк маънавий мероси бўлган “Авесто”⁶дан бошлаб одил жамият куриш, эзгуликни улуғлаш ва қабоҳатни қораловчи фалсафий,

6 Авесто. А.Маҳкамов таржимаси -Т.: Шарқ, 2001. -Б. 248

мафкуравий мушоҳадалар, поклик ва яхшиликдан сабоқ берувчи ғоялар таҳлил қилинади. Шарқ мутафаккирлари ал-Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожибларнинг қарашларида одил жамият қуриш ҳақидаги ғояларнинг илмий-фалсафий мазмуни талқин этилади.

Миллий мустақиллик Ўзбекистон халқининг дунёқараши, тафаккурида янгилашни жараёни ва туб ўзгаришларни бошлаб берди. Халқимизни бирлаштирадиган, бунёдкорлик фаолиятига сафарбар этадиган, унинг эзгу мақсадлари ва ҳаётини манфаатларини ўзида мужассамлаштирган миллий маънавиятни тиклаш ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим шартига айланди. Жамият олдида турган эзгу мақсадларга эришиш, миллий ўзлиқни қайта англаш, унга раҳна солувчи турли “маданият”лар хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган авлодни вояга етказиш зарурати замон талабларига мос янги миллий ғояни шакллантиришни тақозо этди. Жамиятнинг тарихий маънавий илдизлари, урф-одат, анъаналарига асосланган маънавий ҳаётнинг асосий тамойилларини тикламай туриб, келажак ҳаётни қуриб бўлмаслиги англаб етилди. Халқнинг миллий менталитети, миллий фазилатлари, ўзлигидан чекинмаган ҳолда умуминсоний қадриятлар, дунё тараққиёти тенденциялари билан уйғунлашган ҳолда ўз манфаатлари, эҳтиёжлари, мақсад ва интилишларини таъминлашга хизмат қиладиган илғор, прагматик миллий ғояни танлаш, уни шакллантириш ва ривожлантириш нақадар муҳимлиги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Аждодлар қолдирган маънавий-маърифий, фалсафий меросни ўрганиш, уни чуқур тадқиқ қилиш муҳимдир. Ушбу бой миллий меросни ўрганмасдан туриб, инсонлар тафаккурини янгилаш, мустақил, эркин фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, маънавий шаклланиш, такомил топиш, юксалиш формуласини яратиш мумкин эмас. Шарқ файласуфлари таълимотида Ватанни севиш, инсонни асраб-авайлаш, табиатга муносабат, билим олиш, ахлоқий фазилатларга эга бўлишга ундовчи фикрлар жуда кўп. Уларда инсон учун муносиб бўлган ҳаёт шароитларини яратиш, бахт-саодат, комилликка етакловчи йўللارни излаш ва тафаккурни ўстириш, ақл-заковатни такомиллаштириб боришга қаратилган бебаҳо ғоялар ифодаланган.

Мутафаккир Абу Наср Форобий инсон ва жамият ҳаётида мафкура ҳамда ғоянинг нақадар муҳим ўрин тутганлиги ҳақида шундай деб ёзган эди: “Инсон бахт-саодат нималигини тушунган бўлса-ю, унга эришишни мақсад қилиб олмаса, ғояни ўз хоҳишига айлантормаган бўлса, унга нисбатан озгина бўлса-да, завқ ва шавқ сезмаса, истак ва мулоҳазасини, куч ва қувватини бошқа нарсаларга сарфласа, қилмишлари ёмон ва ноўриндир”⁷. Миллий маънавият, мафкура, миллий ғоянинг шаклланиши мамлакатимиз халқи учун маёқ вазифасини ўтайди. Бу маёқ 74 йил тоталитар тузумга асосланган

7 Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. - Б 188.

советлар таркибида синфий ғоялар таъсирида яшаган бизнинг халқимиз учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғоянинг зарурлиги яна бир муҳим ҳолат, яъни тарихий ўзгаришлар даврида тоталитар тузумдан эркин демократик, бозор муносабатларига асосланган тузумга ўтиш шароитида яшаётганлигимиздан келиб чиқмоқда. Зеро, миллий ғоясига таянмаган жамият инкирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррар. Таъкидлаш лозимки, “маънавий тикланиш” тушунчаси куйидаги жиҳатларни қамраб олиши ва ифодалаши лозим:

– миллий ўзликни, анъаналарни, халқнинг орзу-умидларини, жамият олдида турган мақсад ва вазифаларини қамраб олиши;

– жамиятда истиқомат қилувчи барча кишиларнинг ягона миллий байроқ атрофида бирлаштириб, уларни буюк мақсадлар сари чорлайдиган ғояни яратишни;

– миллатчилик, бошқа халқларни менсимаслик кайфиятидан холи бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ўрин, ҳурмат ва иззат қозонишида пойдевор ва раҳнамо бўлишини;

– жамият аъзоларини, аввало, ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашга мададкор бўлишини;

– ватаннинг ўтмиши, бугунги кун ва келажагини боғлайдиган, жаҳон ҳамжамиятига, умумбашарий ютуқларга етаклаб борадиган ғояни байроқ қилиб кўтариши керак.

Мустақиллик йилларида жамиятнинг барча соҳалари қатори маънавий ҳаётда ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Жамият олдида мақсад қилиб олинган – келажаги буюк давлат барпо этишда эски маънавий, мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, инсон қалбида маънавий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, қалбни бегона ва ёт иллатлардан сақланиш, “эркин дунё” маънавий хуружларга қарши тура оладиган, ҳар томонлама етук маънавий инсонларни вояга етказиш зарурати туғилди. Чунки мустақиллик йилларида халқ олдида ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, қалбдаги ёт иллатларни сиқиб чиқарадиган ва ўз ватани тараққиётига хизмат қиладиган ғояни шакллантириш, онгда бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик муаммоси турарди.

Бу муаммони ҳал қилишнинг асосий омилларидан бири сифатида маънавий тикланиш вазифаси қўйилди ва мамлакатда миллий ғурур, инсон кадр-қимматини баланд кўтариш, миллий қадриятлар, фазилатлар ва миллий феъл-атвор, миллий ахлоқ, ҳаёт тарзи, ота-бобо киндик қони тўкилган тупроқни севиш ва эъзозлаш, улуғларга, ота-боболар руҳига ҳурмат, кичикка иззат, етим-есирга, ногиронларга хайр-саховат туйғуларини тиклаш, меҳр-оқибат, бир-бирига муҳаббат туйғуларини эъзозлаш сингари азалий маънавий категориялар олдинга сурилди.

Булар ҳаммаси Ўзбекистон Республикасининг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган миллий ғояга сингдирилди ва яхлит жамият мафкураси орқали ҳаётга жорий қилиш чоралари кўрилди. Ҳар қандай миллий ғоя,

миллий мафкура давлат томонидан қўллаб-қувватланмаса, унинг маънавий-маърифий фаолиятининг таркибий қисмига айланмаса, у ривожланмайди, халқни бирлаштира олмайди. “Сиёсат ва мафкура гўёки эгизаклар каби бир-бирини тақозо этади. Мафкураларнинг барчаси ҳокимият нуфузи ва ҳокимлик муносабатлари муаммоси билан узвий равишда боғланиб кетади. Чунки ҳар қандай ҳокимият ёки сиёсий партия ўз мақсад-муддаоларига кенг халқ оммасини ишонтириш учун кучли, таъсирчан мафкурага муҳтож бўлади”⁸.

Файласуф олим А.Эркаев “...маънавиятнинг ўсиши, илмий-техника кашфиётлари, аҳоли билимларининг ва малакасининг ошиши, иқтисодий тафаккурининг ўзгариши, юксак омиллар ва ижтимоий марраларни кўзлаш, янгиликларга интилиш иқтисодиётни ривожлантиради” деб ёзади. “Маънавиятдан ажралган иқтисодиёт жамиятни меркантилизмга, моддий сиғинувчи одамларга айлантиради. Яъни “Иқтисодиёт ва маънавият реал инсон эҳтиёжларидан, жамиятнинг аниқ вазифаларидан ажралиб қолса, ўз мақсадларини белгилашда адашиб кетади. Бундай ҳолларда икки хил вазият вужудга келиши мумкин. Масалан, маънавият масалаларига етарли эътибор берилмаса, иқтисод иқтисод учун, капитални айлантириб, фақат фойда олиш учун бўлиб қолади”⁹.

Яқин тарихга мурожаат қилинса, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин дастлабки кунлардан оқ иқтисодий жиҳатдан оёққа туриб олиш учун жамиятнинг мўрт ва нураб қолган маънавий ҳаётини тиклашга катта куч ташланди. Чунки ўша таҳликали кунларда шўро давридан қолган иқтисодий тизимига таянишнинг мутлақо иложи йўқ эди. Совет империясининг мустамлака республикаларга нисбатан ўйлаб қилинган манфур сиёсати оқибатида мамлакат иқтисодиёти чок-чокидан сўкилган, ҳатто аҳолига яшаб қолишнинг биринчи шартини бўлган нонни етказиб беришга ҳам имкон йўқ эди. Республика ҳудудида фуқаролар уруши авж олиб кетиши ҳеч гап эмасди. Бунинг устига ўша пайтларда фурсатдан фойдаланиб қолишни истаган эски тузум тарафдорлари, ташқи кучлар ҳам ўз фаолиятини давом эттираётган, том маънода мафкуравий кураш кетаётган эди. Шу боис 1992 йил 8-10 декабрда XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида Ўзбекистон давлатининг келажак йўли тўлиқ ва аниқ чизиб берилган эди. Яъни, бундай қалтис сиёсий шароитда фақат маънавий етуклик, миллий ғоя мамлакатни ҳалокат ёқасидан олиб чиқиб кетиши мумкинлиги кун тартибига қўйилганди. Чунки бу пайтда маънавий соҳада қуйидаги ўта долзарб ва мураккаб вазифалар кўндаланг турган эди:

1. Совет империяси томонидан 74 йил давомида юритилган мафкуравий сиёсатнинг маънавий асоратларини халқ онгидан чиқариб ташлаш.

8 Ўша китоб. - Б. 14.

9 Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. -Т.: Маънавият. 2009й. - Б. 271.

2. Чор Россияси босқини, Россиядан экспорт қилинган қонли инқилоб, вайронагарчилик ва оммавий қатағонлардан қолган кўрқув, қарамлик сингари тарихий асоратларни кишилар онги ва турмуш тарзидан сиқиб чиқариш.

3. Янги кўп укладли иқтисодий этиш, мулкка муносабатни ўзгартириш, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида жамиятнинг, энг аввало раҳбарлар, зиёлилар, олимлар дунёқарашини тубдан ўзгартириш.

4. Мустабид тузум даврида яратилган миллий маънавият ва ғояга зид сиёсий, фалсафий, бадий асарлар ўрнига янгиларини яратиш, мактаб, олий таълим дарсликларини миллий манфаатлар тамойиллари асосида ёзиш ва нашр қилиш.

5. Совет мафкураси тазйиқи остида сохталаштирилган тарихни қайта ёзиш ва адолатни тиклаш.

6. Халқнинг ғурурини тиклаш, ўзлигини англашга хизмат қиладиган моддий ва номоддий меросни тиклаш ва уни тарғиб қилиш, жаҳон ва шарқ халқларининг фалсафий меросини қайта ўрганиш.

7. Буюк ота-боболаримизнинг муқаддас қадамжоларини, уларнинг номларини тиклаш, совет даврида қатағон қилинган халқ қаҳрамонларининг номларини оқлаш, уларнинг ҳурматларини бажо келтириш.

8. XX асрнинг 80-йилларида “Ўзбек иши” деб юритилган қатағон тамғаларини ўчириб ташлаш.

9. Ўсиб келаётган ёшларни ичкари ва ташқаридан бўлаётган маънавий, мафкуравий хуружлардан асраш, халқни ўша пайтларда Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларда юз бераётган фуқаролар уруши, “рангли инқилоб”лар ва бошқа бухронлар таъсиридан омон-эсон олиб ўтиш.

Шу боис ҳам мамлакатда янги дунёқарашни шакллантириш, кишилар тафаккури ва онгида сақланиб қолаётган эскича қарашларни сиқиб чиқариш, янги ижтимоий муносабатларни жорий қилиш, миллий ўзликни англаш, миллий ғояни яратиш вазифалари қўйилди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, инсоният тарихида тажовузкор, миллатчилик, шовинизм, фашизмга асосланган, бузғунчиликка хизмат қиладиган вайронкор ғоялар туфайли миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилган, шаҳарлар ва қишлоқлар вайронага айланган. Бундай вайронакорлик, инсон юрагида қолдирилган жароҳатлар оқибатларини бартараф этиш учун кишилик жамиятига юз йиллар керак бўлган.

Миллий маънавият одамлар онгида тушунча шаклидагина яшамай, амалиётда, реал амалиётда намоён бўлиши зарур. Шундагина у жамиятни ташқи носоғлом маънавий таҳдидлардан ҳимоя қиладиган кучга айланади. Фуқароларда маънавият заиф бўлса, уларда миллат тақдири ва Ватан камолотига хизмат қилиш, она тупроғини кўз қорачиғидек асраш, халқи, ёш авлодларни бузғунчи, ёт оқимлардан ҳимоя қилиш туйғуси бўлмайди.

Миллий маънавиятнинг баъзан кўтарилиш, баъзан пасайиш тўлқинларини инобатга олган ҳолда баҳолайдиган бўлсак, барча даврларда фақат

юксак инсоний ғоялар сари интилишнинг гувоҳи бўламиз. Маънавиятнинг асосий негизи бўлган комил инсонни тарбиялаш, адолатпарварлик, инсонпарварлик ҳақидаги ғоялар “Авесто” давридан тортиб, Шарқ уйғониш даври, буюк бобокалонимиз Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам ўзига хос тараққиёт босқичига кўтарилди. Ундан кейинги XVII-XIX асрларда ҳам миллий ўзликни англашда депсинишлар кузатилса-да, миллий маънавиятнинг асослари бутун сақлаб келинди.

Миллий маънавият тарихида фаол роль ўйнаган маърифатпарварлик ҳаракати намоёндаларининг фаолияти, мамлакатни феодал қолоқликдан чиқариш учун курашувчи илғор кучларнинг манфаатларини ифодаловчи ғоявий ҳаракат эди. Жумладан, М.Бехбудий миллий мустақиллик манфаатларини ҳимоя қила оладиган, иқтисодий-сиёсий қарамлик ва қолоқликдан чиқиш муаммоларини биладиган замонавий билимга эга, юксак салоҳиятли шахслар бўлиши зарурлигини таъкидлаб, “Ислоҳни мактаб ва мадрасалардан бошлаш зарур, чунки миллат ҳаёти таълим-тарбия билан белгиланади”¹⁰ дейди. Маърифатпарварлик ҳаракатининг юқори мақомига кўтарилган жадиблик намоёндалари А.Фитрат¹¹, А.Авлоний¹², М.Абдурашидхоновларнинг¹³ асарларида миллий мустақиллик, илмий-фалсафий тафаккурнинг ўсиши, маънавий қадриятларни юксалтириш каби ғояларини ўзига хос талқинларини кўриш мумкин.

Ш.М. Мирзиёевнинг “Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озик керак.”¹⁴ деган фикри бугунги глобаллашув шароитида маънавий-маърифий фаолиятнинг ҳаёт-мамот масаласи эканлигини ифодалайди. Бугунги кунда миллий маънавиятга зид бўлган, маънавий бузук ҳамда жаҳолатга хизмат қиладиган, инсон ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният, қабих мақсадларга ундайдиган, халқларни, давлатларни таназулга маҳкум этадиган бузғунчи ҳаёт тарзлари тобора тажовузкор тус олмоқда. Бу оқимларнинг мазмун-моҳияти ва оқибатларини тушунишда куйидаги фикрлар муҳим аҳамият касб этади: “...жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси фаол бўлишлари лозим.

Афсуски, биз бу масалаларда ухлаб ўтирибмиз. Гапнинг очиғи шу: ухлаб ўтирибмиз. Душман эса ўз ишини қиляпти. Баъзи ўринларда ҳатто мақсадига ҳам эришяпти.”¹⁵ Миллий маънавиятга тўйинган миллий ғоя ва мафқурани жамият аъзолари қалби ва онгига сингдириш муҳим масала

¹⁰ Бехбудий М. Танланган асарлар. -Т.:Маънавият, 1999. - Б. 228.

¹¹ Фитрат А. Раҳбари нажот. -Т.: Шарқ, 2000. -Б.176

¹² Авлоний А. Танланган асарлар Т-1. -Т.: Маънавият, 1998.- Б.328

¹³ Абдурашидхонов М. Хотираларим. -Т.: Шарқ, 2001. - Б. 268.

¹⁴ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.1-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2017. - Б. 484.

¹⁵ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.1-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2017. - Б. 484.

бўлиб, у одамларни, аввало, ёшларни эзгу ғояларга ишонтириш, уларни бир мақсад атрофида уюштириш, фаоллаштириш, масъулиятини ошириш, олийжаноб мақсадлар сари сафарбар этишда маънавий-руҳий жиҳатдан улкан аҳамият касб этади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўзбекистонда маънавий тараққиётнинг тадрижий босқичлари**” деб номланган. Маълумки, миллий маънавиятимиз илдизлари қадим тарихнинг олис минг йилликларига бориб тақалади. Узоқ ўтмишдаги халқларимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаёти, урф-одатлари, дунёқараши ҳақидаги ривоятлар ва диний анъаналардан ташқари, топилган ашъвий далиллар, қадимий ёзма ёдгорликлар бундан далолат беради.

Икки дарё оралиғида яшаб ўтган ота-боболаримиз ҳаётида маънавият инсонийликнинг асосий мезони бўлиб келган. Маънавий-маърифий фаолият, тарғибот орқали маънавий комилликка интилиш халқимизнинг ҳаёт тарзига айланган. Натижада минтақада илм-фан, инсон тафаккури ривож топган. Аждодларимиз жаҳон цивилизациясига фалсафа, адабиёт, математика, астрономия, физика, медицина ва бошқа соҳаларда катта ҳисса қўшганлар. Шу боис дунё ҳамжамияти қадимги юнон, ҳинд, рим, тибет, хитой олимлари қаторида ота-бобларимизнинг буюк хизматларини доимо эътироф этади.

Маънавият ва маърифатимизнинг тарихий илдизлари Беруний, ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўплаб фалсафа, аниқ фанлар, дин соҳасида таълимотларни яратган алломалар меросига сингиб кетган, ана шу буюк меросдан озиқа олиб яшамокда, такомиллашиб, ривожланмоқда. Ушбу бобда Миллий маънавиятимиз тараққиётининг босқичлари 5 та қилиб белгиланди.

Биринчи босқич – бу “Авесто” яратилганга қадар бўлган даврда турли ғоялар, кўпхудоликка асосланган диний таълимотлар, бизгача маълум бўлган илк тамаддунларда илм, адабиёт, ўша даврдаги мавжудлик ҳақидаги билим, қарашлар, тафаккур маҳсули ўлароқ шаклланган фазилатлар мажмуаси босқичи, дейиш мумкин.

Иккинчи босқич эса эрамиздан олдинги 2700 йиллардан эрамизнинг 700 йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Учинчи босқич – Ислом дини жорий этилгандан кейин шаклланган миллий урф-одатлар, ислом таълимоти таъсирида қайта шаклланган, ислоҳ қилинган миллий қадриятлар даври.

Тўртинчи босқич – Чор Россияси босқинидан Ўзбекистон Мустақилликка эришганига қадар бўлган давр.

Бешинчи босқич мустақиллик давридир. Бу давр давлатнинг маънавият соҳасидаги сиёсати тизимли равишда янгидан шаклланиши даври.

Дунё тарихининг бизгача етиб келган манбалари гувоҳлик берадики, инсон маънавияти шаклланишининг илк босқичлари бир неча минг йилликларга бориб тақалади. Инсоният маънавияти, унинг тафаккури минг, миллион йиллар давомида қадамба-қадам шаклланган десак, хато бўлмайди. Бунда тарихнинг маълум бир даврларида ҳукм сурган цивилизациялар ва шу

даврларда яшаб, фан, техника, дин, фалсафа, адабиёт ва санъат соҳасида яратилган кашфиёт, илмий изланишларнинг ўрни бекиёсдир.

Тарих фанлари номзоди Ш.Эргашевнинг ёзишича, эрамиздан аввалги уч мингинчи йилнинг бошлариданок инсониятга қадимги Шарқ халқларидан мерос бўлиб номлар, турли хил иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маданий инновациялар қолган ва кейинги цивилизациялар томонидан ўзлаштирилган. Қадимги Шарқ деганда Месопотамия, қадимги Миср, Эрон, Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Хитой, яъни Ўрта Ер ва Эгей денгизлари қирғоқларидан Тинч океанигача бўлган ерлар тушунилади.

Қадимги Шарқнинг энг қадимги халқларидан бири шумерлардир. Уларнинг жаҳондаги динлар, маданият, инсон маънавий бойликларини яратишдаги ўрни бениҳоя катта, деб ёзади Ш.Эргашев, – Бутун Яқин Шарқ, Ўрта Ер денгизи ҳавзаси, Ғарбий Европа халқлари ўз тарихида шумер маданиятининг кучли таъсирини ҳис этганлар. Шумер математикаси ва астрономияси бутун Яқин Шарқда энг аниғи ҳисобланган. Биз ҳозир ўрганиб қолган йилни фаслларга, ўн икки ойга, ўн икки буржга бўлиш, бурчакни, минут ва секундни олтимишга бўлиб ўлчаш ҳам шумерлар кашфиётидир. Биз кўплаб юлдузларни ва бошқа осмон жисмларини юнон ва араб тилларига таржима қилиниб, шу тиллар орқали бизгача етиб келган шумерча номлар билан атаймиз. Астрономия билан бирга пайдо бўлган ва минг йиллар давомида инсон тафаккурига ўз таъсирини йўқотмаган астрологияни ҳам шумерлар кашф қилганлар¹⁶.

Америка, Европа, рус ва ўзбек олимларининг илмий тадқиқотлари натижаларидан маълумки, инсон маънавияти, тафаккури бундан 6–7 минг йил аввалги Шумер, Миср, Хет, Хитой, Ҳиндистон маданияти, фани ва санъатидан ҳам минг йиллар олдин шаклланиб келган. Чунки ушбу тамаддунлар адабиёти билан танишилар экан, уларда бугун ҳам энг олий инсоний фазилатлар ҳисобланган мардлик, жасорат, эзгулик, адолат, ватанпарварлик ва бошқа ҳислатлар баланд оҳангларда худди бугунгидек тараннум этилади, номардлик, кўрқоқлик, ёвузлик, сотқинлик, адолатсизлик қораланади. Ҳеч шубҳасиз “Авесто” мана шу даврларда яратилган тафаккур маҳсулидан ўсиб чиққан.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Болтабоев ва М.Маҳмудовларнинг “Адабий-эстетик тафаккур тарихи” китобида¹⁷ инсон маънавиятининг шаклланиши қуйидагича баён этилган: “Инсоният жуда қадим замонлардан ўзининг моҳиятини англашга, буюк Яратувчи олдидаги бурч ва масъулиятдан огоҳ бўлишга интилган. Натижада инсон меҳнати туфайли ишлаб чиқарилган моддий неъматлар билан бирга унинг заковати туфайли яратилган илм ва ижод намуналари ҳам бунёд бўлган”¹⁸.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» ва Ўрхун-Енисей ёзувлари ана шу маъданиятдан ўсиб чиққан миллий маънавиятимизнинг энг қадимий манбаларидан ҳисобланади. Эрамиздан аввалги VII–V асрларда

¹⁶ Жамоа, Тамаддун сари буюк қадамлар, Тошкент, “Таълим”, 2020.

¹⁷ Ҳ. Болтабоев, Маҳкам Маҳмудов, “Адабий-эстетик тафаккур тарихи”. Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2013.

¹⁸ Уша китоб.

Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини турли туркий халқлар ва қабилаларнинг урф-одатлари, эътиқоди, ижтимоий қарашларини ўзида акс эттирган Ўрхун-Енисей ёзуви қабр тошларига ўйиб ёзилган тарихий лавҳалардир. Улар халқимизнинг ўтмиш маънавияти, тарихи ҳақида тенгсиз маълумот берувчи бебаҳо манбалардир. Ўрхун-Енисей ёзма манбаларида Олтойдан Мўғулистонга қадар бўлган ерларда яшаган қирғиз, уйғур, ўғиз, манғит ва яна бир қанча халқлар, қабилалар, хоқон ва беклар, улар жангларида кўрсатган қаҳрамонлик намуналари баён қилинган. Агарда улар орасидаги умумийлик нимада, деб сўралса, ўша даврда яшаган аждодларимизнинг ўз замондошларига фарзанд, набира, эваралар, кейинги авлодларга қаратилган маънавий даъват руҳи мужассамлигида, деб жавоб бериш мумкин.

“Авесто”ни дунёнинг турли мамлакатларида йирик олимлар тизимли равишда ўрганиб келаяптилар. Буюк обида ҳақидаги дастлабки тадқиқотларни француз олими Анкетил Дюперрон 1770 йилларда амалга оширади. Ундан кейин И.Меймерснинг «Зардуштнинг ҳаёт йўли, низоми, даъватлари ҳамда асарлари» (1778–1784) китоби дунёга келган. Бу борада Силвестр Де Саси, Тихсен, Уильям Жоне сингари олимлар ҳам илмий изланишлар олиб борганлар. Европада XIX асрда ҳам тадқиқотлар давом эттирилган, жумладан немис олимлари И.Г.Род «Зенд халқлари», Эн Раско «Зенд Авесто» (1820–1827) китобларини ёзган. Кейинчалик тилшунослардан Бонн, Жолли, Гарда, Жакиналар «Авесто» тилининг фонетик, лексик ва морфологик жиҳатларини тадқиқ қилганлар. Европа олимлари Г.Риттер, Келеч, Гегеллар томонидан “Авесто”нинг фалсафий жиҳатлари ҳам чуқур тадқиқ қилинган. Бу даврда рус олимларидан А.Коссович, В.В.Бартольд, К.Г.Залеман, А.Л.Пагодин, К.А.Иностарцевлар ҳам салмоқли тадқиқотлар олиб борганлар. Шарқ тарихи, санъати, дини, филологиясининг забардаст донишмандлари А.А.Фрейман, Е.Э.Бертельс, В.В.Струве, И.М.Дьяконов, Б.Г.Ғофуров, Х.Мирзозода, И.Г.Алиевлар ҳам «Авесто»ни ўрганиш, таржима қилишга муносиб улуш қўшганлар¹⁹.

XX асрда ҳам Европа, Шарқ ва бошқа минтақалар олимларининг “Авесто”га қизиқиши катта бўлди. Бу ўринда ўзбекистонлик олимларнинг тадқиқотлари ҳам таҳсинга сазовордир. Н.М.Маллаев, М.Исҳоқова, А.Ирисов, Ф.Сулаймонова, А.Азимов, М.Умарзода, А.Қаюмов, А.Саъдуллаев, С.Хасанов, И.Жабборов, М.Қодиров, Т.Маҳмудов, М.Усмонов, А.Рахимов, Э.Ртвеладзе, А.Асқаров, Т.Каримов, Ҳ.Бобоев, С.Ҳасанов, Б.Ғофуров, М.Имомназаров, Ҳ.Ҳомидий, Н.Жўраев ва бошқа олимларнинг изланишлари эътиборга моликдир.

Халқимиз асрлар давомида ардоқлаб келган халқ маросим, урф-одат ва байрамлари ўзига хос маънавий-маърифий минбар, майдонни ташкил этган. Жумладан, “Авесто” давридан бери мавжуд бўлган Наврўз байрамида қадимий халқимизнинг маънавий қиёфаси акс этган.

19 Қаранг. Х.Ҳомидий. Авестодан Шоҳномагача. Тошкент. “Шарқ” 2007 йил. –Б. 12

Ушбу бобда чоризм мустамлакаси ва шўро тузуми давридаги мустамлакачилик сиёсатининг маънавий оқибатлари илмий таҳлил қилинди. XVII–XVIII асрлар ва XIX асрнинг бошларида Туркистон худудидаги давлатлар сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан анча ожиз бўлиб қолган эди. Бухоро амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонликлари ўртасидаги ўзаро уруш ва можаролар, қароқчилик авж олиб, бутун жамиятнинг тинкаси қуриб, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан уч аср мураккаб муҳит ҳукм сурди. Шу боис Чор Россияси Туркистон ўлкасини ишғол қилиш ва мустамлакага айлантириш, ҳукмронлик қилиш режасини амалга оширди.

“Чор мустамлакачилари олимлар маслаҳатига амал қилиб, Туркистонда қандай бўлмасин, ўзларининг ерли халқдан «маънавий жиҳатдан устунликларини» исботлашга ва шу тариқа «узил-кесил ғалабага эришиш»га астойдил киришдилар. Ўтмишдаги босқинчилар сингари чор мустамлакачилари ҳам бу соҳадаги амалий ишни Туркистон халқини бир неча минг йиллик тарихи, маданияти, урф-одатларидан жудо қилишдан, ерли аҳолини руҳан-маънан майиб-мажруҳ қилишга киришишдан бошладилар. Бу бежиз эмас эди, албатта”²⁰.

Чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти юқоридаги фикрларга ёрқин мисол бўла олади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди²¹.

Шўро тузуми, унинг бош мафкуравий органи – КПСС ўз олдида халқларнинг миллий ўзлигидан жудо қилишни мақсад қилиб қўйди. Бу ҳақда Владимир Ленин “Агарда ишчини миллийлик билан боғлайдиган бирорта ришта қолар экан, жаҳон социализми ғалабаси мумкин эмас” деган шартни қўйди. Бу ғоя ҳозирги пайтда олдинга сурилаётган “дунё фуқароси” тўғрисидаги ноинсоний ғоянинг ибтидосидир. Коммунистик тарғибот-ташвиқотда «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» деган ёлғон ғоялар асосида совет маданияти тўлиқ мунофиқлик заминига қурилди. Халқнинг кўп минг йиллик эътиқоди рад этилди. “Илмий атеизм” деган умуман тарихий асоси бўлмаган худосизлик таълимотини яратди. СССРда юз минглаб худосизлар жамиятларини туздилар. Истибоддга асосланган ушбу адолатсиз тузумда 8 марта қатағон мавсуми ташкил этилди.

Ўзбекистон миллий зиёлилари қатағон қилиш мавсумлари

| Т/р | Қатағон йиллари | Қўйилган айблов, қатағон сабаблари |
|-----|-----------------|------------------------------------|
|-----|-----------------|------------------------------------|

²⁰ Ғофуров З. Маънавий юксалиш ва ҳуқуқий баркамоллик. Дарслик. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2006 – Б. 34.

²¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. – Б. 31.

| | | |
|----|--------------------|--|
| 1. | 1919 йил, сентябрь | “Маҳаллий аҳолининг советларга жалб қилинишига ҳалақит берувчилар |
| 2. | 1920 йил | “Туркистон мустақиллиги учун курашчилар” |
| 3. | 1929 йил | «Миллий истиқлол» ташкилоти аъзолари” |
| 4. | 1930 йил | “қосимовчилик” |
| 5. | 30-йиллар | Диндор ва эътиқодли кишиларга нисбатан қатағон “советларга қарши унсурлар”, “халқ душманлари” |
| 6. | 1937 йилдан | 1939–1953 йиллар мобайнида 61799 киши қамоққа олинган, улардан 56112 нафари турли йилларга қамоқ жазосига, қолган 5887 нафари отишга ҳукм қилинган. |
| 7. | 1946 йил | Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шокир Сулаймон, Зиё Саид, Элбек, Боту, Аъзам Аюб, Усмон Носир, Қосим Сорокин каби миллат зиёлилари қатағон қилинди. |
| 8. | 1951 йилда | Миллатнинг яна бир қанча асл фарзандлари миллатчилик, буржуа-миллатчилигида айбланиб, қатағон қилинди. |

80-йилларда аввалига “Ўзбек иши”, кейин эса “Пахта иши” деб номланган тарғибот ва қатағон компанияси оқибатида қанчадан-қанча оилаларнинг шаънига ўғри, порахўр, деган ноҳақ тамғалар босилди. Тадқиқотда совет даврида мулкка, меҳнатга, унинг самарасига, ижтимоий муҳитга муносабат масалалари чуқур таҳлил қилиб берилди.


Диссертациянинг учинчи боби **“Ҳозирги даврда маънавий ҳаётни юксалтиришнинг ғоявий асослари ва самарали воситалари”** деб номланган. Ушбу бобда Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин маънавий-маърифий ишлар тизимининг босқичма-босқич шаклланиши, унинг такомиллашув тенденциялари, эришилган натижалар илмий таҳлил қилинган, маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Бобнинг **“Янги жамият ижтимоий онгини шакллантиришга қаратилган миллий ғоя тарғиботининг меъёрий-ҳуқуқий асослари”** параграфида мамлакатимизда маънавий-маърифий сиёсат институтларининг юзага келиши очиб берилди. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда маънавият тарғиботи илмий-амалий тизими яратилиб, уни кенг тарғиб қилиш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ташкил этилиши бир қатор ижобий ўзгаришларга, халқимизда юксак маънавий фазилатларнинг янада ортишига тurtки бўлди.

Диссертациянинг ушбу бобида бир қатор Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, мамлакат ҳудудида ижтимоий-маънавий


муҳитни соғломлаштириш, аҳоли ўртасида олиб борилаётган кенг миқёсли тарғибот-ташвиқот ишларини мазмун ва ғоявий жиҳатдан янада такомиллаштириш ҳамда бу борадаги муаммоларни бартараф қилиш орқали жамиятнинг маънавий тикланиши таҳлил қилинди.

Мустақиллик йилларида жамиятнинг янги маънавий қиёфасини шакллантириш борасида тизимли равишда амалга оширилган давлат сиёсати туфайли халқимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг ватанпарварлик дунёқараши сезиларли даражада юқорига кўтарилди. Буни Республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан 2016 йил 27 май – 5 июнь кунлари ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ҳам кўрсатди. Сўровда қатнашган 18 ёшдан 70 ёшгача бўлган, турли миллат ва аҳолининг ижтимоий қатлами вакилларининг 85,5 фоизи Мустақилликнинг 25 йили давомида фуқароларнинг ватанга садоқат туйғуси кескин ўсганлигини қайд этган.


1-диаграмма. Фуқароларнинг ўз ватанига нисбатан ватанпарварлик туйғусининг ўсганлиги (респондентларнинг фоизи ҳисобида)



2-диаграмма. Ҳозирги пайтда Сизни нима ва ким ҳаммадан кўра кўпроқ хурсанд қилади, хурсандчилик ва келажакка ишонч руҳини бағишлайди? (респондентларнинг фоизи ҳисобида)



3-диаграмма. Ўзбекистон мустақил давлат эканлиги, у халқаро ҳамжамият томонидан тан олинганлиги ва дунёда ўзининг муносиб ўрнига эгаллигидан Сиз фахр-ифтихор туйғуларини ҳис қиласизми?
(респондентларнинг фоизи ҳисобида)



Ўтказилган сўров натижаларига кўра мутлоқ кўпчилик фуқаролар (99,4%) ўз ватанидан ва эришилаётган ютуқлардан ғурурланиши маълум бўлди.

Республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан 2019 йил август ва декабрь ойларида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ҳам шунини кўрсатди.

4-диаграмма. «Менда мамлакат мустақиллигини олий қадрият сифатида англаш ҳисси мустаҳкамланди ва у менинг онгимдан жой олди, мен ҳеч қачон Ватанимнинг мустақиллигини йўқотишни истамайман» деган фикрга мамлакат фуқароларининг муносабати
(респондентларнинг фоизи ҳисобида)



Ўзбекистонликларнинг Ватани билан фахрланиши

Мамлакатимиз мустақил, халқаро ҳамжамият тан олган давлат эканлигидан ва дунёда муносиб ўрин эгаллашидан фахрланаман 98,9%

| | |
|--|-------|
| Мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган ютуқлар ва муваффақиятлардан ғурурланаман | 99,0% |
| Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлигимдан фахрланаман | 99,3% |

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг дастлабки йилларида белгилаб олинган маънавий тикланиш сиёсати бугун ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида изчил давом эттирилмоқда. “Хукуматнинг, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда бутун таълим тизимининг, ҳурматли домлаларимиз ва профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси – ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир”²² дея вазифа қўйилди мамлакат Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2016 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан мамлакатда маънавий юксалишнинг асосий тамойиллари ва устувор йўналишлари белгилаб олинди. Бироқ Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва янгилаш жараёнларида маънавиятни юксалтириш, миллий ғоя таъсирчанлигини оширишда бир қатор тўсиқлар мавжудлиги кўзга ташланди.

Шу боис ҳам янги замоннинг шиддаткор суръати ва ўзига хос тараққиёт мантиғи, тез ўзгараётган дунёқараш, мамлакатнинг халқаро имиджи, бугунги ҳаёт руҳи, янги мақсадлар миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш заруратини кун тартибига қўймоқда. Гарчи бу нарса инсон жамиятида ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгалласа-да, уларнинг инсон онгига, маънавиятига таъсир этиш, қабул қилиниш даражасининг ўлчов бирликлари фанда аниқланмаган, инсон ёки ижтимоий гуруҳларнинг хатти-ҳаракатига баҳо берувчи, илмий хулоса чиқарувчи ва тавсия берувчи формула мавжуд эмас. Албатта, ахлоқ меъёрлари доирасида инсон ёки ижтимоий гуруҳлар хатти-ҳаракатига бериладиган баҳолар бундан мустасно. Ҳолбуки, ахлоқ нормалари ҳам аниқ белгиланмаган ва улар турли халқларда турлича. Маънавий тўқис инсон фазилатининг қисмлари, қирралари ҳам аниқ белгиланмаган, у қандай бўлиши кераклиги ҳақида донишманд халқнинг, олимлар, мутафаккирларнинг таклифлари ва мулоҳазалари бор, холос. Шу нуқтаи назардан қараганда, “Маънавий инсон”, “Маънавий жамият”нинг таркибий қисмлари ва унга қўйиладиган талабларнинг (минимум ва максимум) рўйхатини тузиш, “Маънавий инсон” ва “Маънавий жамият”ни шакллантириш формуласини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Масалан, аниқ фанлар – математика, физика, кимёда бундай формулалар мавжуд. Математикада $2 \times X + X = 10$ амалини олайлик. Бу ерда

²² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. -Т.: Ўзбекистон, 2017. -Б. 145.

қўпайтириладиган “икс” ва қўшиладиган “икс” топилса, масала ечилади. Бунинг учун маълум турган “2” билан натижа “10” ёрдам беради. Кимёда ҳам қайси модда билан қай бир модда реакцияга кириштирилса, қандай модда олиниши маълум, бу фанда ўз исботини топган. Аммо инсон маънавиятини шакллантиришда мавҳумлик жуда катта, унинг формуласи ишлаб чиқилмаган, чунки математикадан фарқли равишда бу илм формуласида “икс”лар бир неча марта кўп. Масалан:

Билимлар +МАМ (Миллий ахлоқ меъёрлари) + Қ (қадриятлар) + Х х Х + Х ва ҳоказо “икс”лар = МИ (маънавиятли инсон).

Бунда жамият аъзоларининг ёши ва ижтимоий қатламларига қараб формула таркиби турлича ишлаб чиқилиши лозим. Мисол учун оиланинг жамиятда эгаллаган ўрни, ижтимоий келиб чиқиш қатлами ва уни ўраб турган муҳит ҳамда иқтисодий имкониятларини инобатга олган ҳолда туғилган фарзанднинг болалик даври – туғилишининг биринчи кунидан 1 ёшгача алоҳида, 1 ёшдан 3 ёшгача алоҳида, 5,8,10,13,16,18 ёшгача ва ҳоказо ёшларни инобатга олиб маънавий қиёфани шакллантириш формуласини ишлаб чиқиш ва уни тадбиқ қилиш зарур бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғояни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Бу концепция – Республика Президенти Ш. Мирзиёев томонидан олдинга сурилган “Маънавий йўналишларимиз иқтисодий йўналишлардан ўн қадам олдинда юриши керак. Ана шунда биз ҳозирда қилаётган катта-катта режаларимиз, дастурларимиз амалга ошади”²³ тамойили ва Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида, миллий ва жаҳондаги илғор тажрибалар, мамлакатимиздаги ўзгаришлар билан уйғун равишда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойишида “мамлакатимиз тинчлиги, жамиятимиз барқарорлиги, умуминсоний, миллий ва диний қадриятларимизга қарши қаратилган, миллий ўзликни англаш, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзини барбод қилишга йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши курашишнинг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, қўллаш ишлари замон талабидан ортда қолаётгани²⁴” алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари деган улуғ мақсад бош ғоя сифатида олдинга сурилаётган экан, янгидан ишлаб чиқилаётган миллий ғоя концепциясига қуйидаги таклифлар берилди:

23 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 29 декабрь куни миллий кино санъати ва киноиндустрияни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалаларига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқидан. Kun Uz. 13:43 / 30.12.2017

24 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ф-5465 сон Фармойиши. 2019 йил 8 апрель.

1. Аҳолининг турли қатламларида жамиятда юз бераётган ислохотлар, ўзгаришларга муносабатнинг бир-биридан кескин фарқ қилишига йўл қўймаслик, жамиятнинг барча бўғинларига ҳаққоний, тўғри ахборотларнинг бир текисда етказилишини таъминлаш, ахборотларнинг стихияли тарқалиши аҳолининг турли қатламларида мақсад ва интилишларнинг ҳар хиллигига олиб келишини инобатга олган ҳолда тизимли чора-тадбирларни қўриш.

Ушбу ҳолатни бартараф этиш учун таълим муассасалари, маҳаллаларда фойдали, самарали ахборот тарқатишнинг турли усулларидан фойдаланиш.

2. Мактабгача таълим муассасасидан олий таълим даргоҳигача ёшларда жасурлик, мардлик, босиқлик, кенг тафаккур билан ҳаракат қилиш, жаҳон ҳамжамияти қаршисида ғурур билан туриш ҳислатларини шакллантириш.

3. Таълим муассасаларида Замонавий инсон фазилатини шакллантиришга қаратилган дарслар мазмунини инсониятнинг илғор қатлами томонидан яратилган ва замонлар синовидан ўтган прогрессив усулларга таянган ҳолда илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш, ушбу машғулотлар мавқеини энг асосий фанлар даражасига қўтариш.

4. XVI асрдан бошлаб ўтган 500 йилдан кейин қўлга киритилган тарихий имкониятнинг моҳиятини теран англаш, тарихда йўл қўйилган хатолардан прогрессив хулоса чиқариш.

5. Давлатнинг сиёсий доктринасидаги қўшни давлатлар билан қонқардошлик ришталари асосида яшаш тамойилини жамиятнинг барча қатламларига чуқур сингдириш.

6. Ўзбекистоннинг дунёдаги барча давлатлар учун очиқлик сиёсатини изчил давом эттириш, барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга қўтариш.

7. Иқтисодий, маънавий самарадорликка эришиш йўлида ҳар қандай “изм”ларда айбланишдан ҳайиқишдек сиёсий мутаассибликдан воз кечиш, социалистик, капиталистик бўлишидан қатъи назар жамият тараққиётига хизмат қиладиган барча прогрессив тамойилларни ҳурмат қилиш ҳамда уларни назарий-илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва жамият ҳаётини яхшилашга жорий қилиш.

8. Ҳар бир фуқаронинг ўзини англашиш, ўзига нисбатан ҳурмат ҳиссини кучайтириш орқали жамият ва давлатни, унинг мақсадларини англаб етишига, провард натижада ватан ва халқ, давлат, оила, ота-она, ота-боболар руҳи олдидаги бурчини теран англашига эришиш.

9. Жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч – манфаатдорлик эканлигини очиқ тан олиш ва ҳар бир фуқаронинг шахсий манфаатини давлат ва жамият томонидан муҳофаза қилишини таъминлаш. Манфаатдорликни таъминлашда дунёдаги ривожланган давлатлар тамойилларини жорий қилиш.

10. Дабдабазлик туфайли иқтисодий имкониятларни барбот қилиш, истеъмолчилик даражасининг бир неча баробар ортиб кетишига йўл қўйиш орқали давлат, миллат, оила фаровонлигига раҳна солишга қарши маънавий, мафкуравий, иқтисодий, ҳуқуқий омилларни ишга солиш.

11. XX асрнинг иккинчи ярмида халқ турмуш тарзидан кенг ўрин олган, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан миллат иродасини синдирувчи урф-одатларни жамият ҳаётидан сиқиб чиқаришга қаратилган тизимли тадбирларни амалга ошириш.

12. Маҳаллада стихияни бартараф этиш, ҳаётни гавжумлаштириш, бу ерда том маънодаги сегментар ёндашув асосида тадбирларни сурункали ташкил қилиш, мактаб, коллеж, лицейлар, олий ўқув юртлири спорт ва оммавий тадбирлар йўналиши бўйича ўқитувчиларининг микроҳудудларини ташкил қилиш лозим.

Ушбу бобда жамиятнинг маънавий юксалишига хизмат қиладиган сегментар ёндашувга асосланган тадбирларнинг аниқ механизмлари бўйича таклифлар берилди.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Давлат мустақиллигини қўлга киритган, янги ҳаёт, жамият қуриш йўлига қадам ташлаётган ҳар қандай миллат, халқ учун Маънавий тикланиш иқтисодий омиллардан юқори туради. Маънавий инқироз исканжасида бўлган, айниқса, инсонлар, миллат ва элатлар, динлараро қарама-қаршилиқлар кескинлашган жамиятда ҳеч қандай тараққиёт бўлмайди, аксинча иқтисод ҳам, давлат ҳам, келажак ҳам таназзулга юз тутади.

2. Маънавий тикланиш инсонлар онги ва қалбида янгидан яратилган маконда содир бўлмайди, у халқнинг миллий, тарихий илдизларига ҳаёт бахш этиш орқали қайта намоён бўлади. Маълум бир давр сиёсати оқибатида ожизлашган маънавият модуллашган шаклда илмий асосланган, изчил давлат сиёсати орқали ўз илдизларидан қувват олиб тикланади ва юксалади.

3. Маънавиятни юксалтириш стихияли таълим-тарбия, тадбирбозликни эмас, балки илмий асосланган формулаларни талаб этади. Инсон, жамият маънавиятини юксалтириш учун унинг қуйи қатлаמידан бошлаб сегментар, табақалашган формулаларни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга жорий қилиш лозим. Бунинг учун давлат томонидан қўллаб-қувватладиган илмий изланиш, тизимли тадқиқотларни йўлга қўйиш зарур бўлади.

4. Маънавий тикланиш ва юксалиш содир бўлиши учун қаттиқ туриб, ҳар қандай воситалар билан уни ҳимоя қилиш керак. Бугунги кунда дунёнинг бир қатор минтақаларида эзгу ғоялардан кўра ёвуз ғоялар, бузғунчи маданият ва мафкураларнинг уруғи кўпайиб, эзгу ғояларга бурканган сохта шиорлар бир қатор ривожланган давлатлар томонидан ёвуз мақсадларни ниқоблаш учун олдинга сурилмоқда. Бу эса мамлакатимизда маънавий ҳаётнинг мазмунини бузишга бевосита ўз таъсирини ўтказмоқда. Бу жараёни тўхтатиш учун илмий ечимлар керак, аниқ формулага асосланган қарши турувчи ҳаракатлар тизими талаб этилади.

5. Жамият ва инсон маънавияти ўз миллий қобиғига ўраниб олиб, бошқа халқлар ва элатларнинг маданият ва ҳаёт тарзини ўрганмай, реакцияга киришмай ривожлана олмайди, ҳаёт диалектикасининг қонунияти шундай.

Зеро маънавият ҳам диалектика қонуниятларига асосан ривожланади. Шу нуқтаи назардан дунёда тарихан мавжуд бўлган ва бугунги кунда янгидан яратилиб, катта куч билан тарқалаётган турли маданиятлар, ҳаёт тартибларига бошқаларнинг даъвати билан эмас, балки жамият ва инсон манфаатларини кўзлаган ҳолда, ўша маданият ва оқимларни танқидий ўрганиш, тийран хулоса чиқариш, лозим топилган ҳолларда миллий менталитетга мослаштириш орқали уларни ҳаётга жорий қилиш йўлидан бориш муҳим.

6. Мамлакатимизда эзгу ғоялар тарғиботи шу қадар ҳаётий, таъсирчан бўлмоғи керакки, бу ишлар натижасида Ватан ва халқ манфаатлари, умуминсоний қадриятлар жамият ҳар бир аъзосининг маънавий дунёсига айланмоғи лозим. Бу борадаги фаолият мазмуни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий, маънавий ва маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар билан боғлиқ бўлиши кутилган самарани беради. Акс ҳолда, гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бериши қийин бўлади.

7. Жамият маънавиятини юксалтириш учун миллий ва умуминсоний қадриятлар билан тўйинган, миллат ва халқ, давлатни тезкорлик билан ривожланиш сари элтадиган Миллий ғояни яратиш ва уни жамият томирларига сингдириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу миллий ғоя мавҳум, ҳавойи ғоялар, мақсадларга эмас, балки оддий халқнинг ҳаётий эзгу мақсад ва муддаолари, интилишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши кутилган самарани беради.

Тадқиқотимиз натижасида ишлаб чиқилган ушбу таклиф ва тавсияларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда маънавий ҳаётнинг янада юксалишида ўзига хос хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.12.2019.F.01.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

БУРОНОВ МИЗРОБ МАВЛОНОВИЧ

**СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ВОПРОСЫ ВОЗРОЖДЕНИЯ И
ПОВЫШЕНИЯ ДУХОВНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

09.00.04-Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО ФИЛОСОФИИ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философских наук по философии (PhD) в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан зарегистрирована под номером B2020.3.PhD/Fal174.

Диссертация выполнена в Центре духовности и просвещения Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fs-ik.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель: **Куранов Мухаммад Куранович,**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Яхшиликков Журабек Яхшиликovich,**
доктор философских наук, профессор

Абдуллаева Насиба Бурановна,
доктор философских наук, профессор.

Ведущая организация: Государственный университет мировых языков Узбекистана

Защита диссертации состоится «15» сентября 2020 года в 11.00 часов на заседании **Научного совета за №DSc.30.12.2019.F.01.05** при Национальном университете Узбекистана (адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4-й дом. Здание факультета социальных наук Национального университета Узбекистана, 5 этаж, кабинет 511. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, адрес электронной почты: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована под номером _____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4-й дом. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.)

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2020 года
(реестр протокола рассылки № _____ от « ____ » _____ 2020г.)

Н.А. Шермухаммедова,
в.и.о. Председателя Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.н., профессор

У. Махкамов,
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф. (PhD)

Г.Т. Махмудова,
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф.н., профессор

Введение (аннотация докторской диссертации PhD)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Развитие духовно-просветительных факторов в каждом обществе – это эволюционный процесс, который на протяжении веков играл важную роль в формировании общественного сознания, совершенствовании мировоззрения народа, развитии государства, обеспечении мира и стабильности в обществе. Без духовности и просвещения общество теряет смысл существования, не находит путь к прогрессу. Только общество с высокой духовностью, высоким социальным сознанием, сильной верой в национальную идею может стать прогрессивным и продолжить свое развитие. Именно по этой причине многие страны мира сегодня делают упор на изменениях и инновациях в этой области, и проводят многочисленных исследований.

Исследования мировых ученых показывают, что общественное сознание, мышление, духовность членов общества сами по себе несовершенны, их становление происходит благодаря проводимой духовно-просветительской работе, формированию целостной национальной идеи, гармонии интересов в сознании членов общества. Поэтому с первых дней независимости в Республике Узбекистан большое внимание уделялось духовно-просветительской работе на основе наших древних национальных ценностей, богатого духовно-просветительского наследия, которое внесло огромный вклад не только в мировую цивилизацию, но и воплотилось в нашей самобытной культуре и современности.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев выдвинул следующую идею: «Конечно, мы делаем большую работу по воспитанию молодых людей с независимым мышлением, современными знаниями и навыками, а также с твердой жизненной позицией. Но, учитывая трудные времена во всем мире, чтобы завоевать умы и сердца населения, особенно молодежи, и растущую угрозу религиозного экстремизма, терроризма, наркомании и «массовой культуры», духовных ценностей наших детей, мы не должны ослаблять нашу воспитательную работу, а поднимать ее на новый уровень²⁵. На основе этого идеологического подхода особое значение приобретают организация методологии духовно-просветительских исследований, целенаправленное использование опыта исторических и эволюционных этапов духовного развития и разработка научно обоснованных решений для повышения эффективности духовно-просветительской работы в условиях глобализации.

В качестве последовательного продолжения этой политики 28 июля 2017 года были приняты Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-3160 «О поднятии на новый уровень повышения эффективности духовно-просветительской работы и развития сферы» а также Постановление от 3 мая 2019 г. «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы» (№ ПП-4307) и распоряжение №5465 «О

²⁵ Мирзиёев Ш.М. Построить великое будущее вместе с нашим мужественным и благородным народом. Ташкент. Узбекистан. 2018. -С. 15.

мерах по разработке концепции национальной идеи на новом этапе развития Узбекистана». Эта диссертация в определенной степени служит выполнению задач, поставленных перед обществом в указанных выше документах.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и техники республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Научно-теоретическими основами духовного оздоровления этой деятельности в стране являются программы действий, отмеченные в выступлениях, докладах и книгах Первого Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова и нынешнего Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева, сформированные как отдельное направление. Хотелось бы отметить, что работу по развитию политических, социальных, философских, аксиологических и исторических аспектов духовной жизни и деятельности в Узбекистане проводили заслуженные деятели науки Э.Бобомуродов, М.М.Хайруллаев, Э.Юсупов, Ж.Туленов, Х.Аликулов, А.Иброхимов, Н.Жўраев, С.Отамуратов, А.Валиев, М.Куранов, Б.Иминов, М.Жакбаров, М.Бекмуродов, А.Маврулов, М.Юлдашев, С.Тўйчиева, Г.Туленова, М.Хаджиева, А.Мухторов, Р.Рўзиева, С.Шермухаммедов, И.Саифназаров, И.Худойбердиев, А.Исмоилов, А.Юнусов, Б.Жўраев, Б.Очилова, Д.Норкулов, С.Мамашокиров, У.Абилов, Ш.Эргашев, С.М.Абдуғаниева и другие ученые.

При этом необходимо отметить ранее выдвинутые научно обоснованные взгляды на проблемы идеологической сферы духовно-просветительской политики со стороны ученых А.Чориева, Ф.Абдурахмонова, А.Очилдиева, Х.Хайдарова, Г.Л.Махмудовой. Некоторые особенности духовной жизни общества, правовые, историко-педагогические, художественные, психологические проблемы были научно изучены в работах А.Бегматова, А.Хайдарова, А.Эркаева, Б.Шарипова, И.Эргашева, М.Имомназарова, М.Ортикова, Р.Воҳидова, Ў.Юсупова, Ҳ.Бобоева, Ж.Яхшиликера и других.

Восприятие духовного образа человека было теоретически проанализировано зарубежными учеными, такими как В.Куценко, А.Морозов, В.Петрищев, А.Сильнов, В.Лунев, Н.Борщов, В.Кудрявцев. А также изложено в научных исследованиях десятков исследователей, таких как З.Бжезинский, Том Нейрен, А.Тойнби, О.Шпенглер, Ф.Фукуяма, П.Дж.Бьюкенен.

Связь темы диссертации с научно-исследовательской работой высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертация выполнена в рамках исследования Республиканского центра духовности и просвещения на тему «Перспективы постепенного развития и совершенствования духовной и образовательной политики в Узбекистане».

Цель исследования—разработать предложения и рекомендации, основанные на социально-философском анализе процесса духовно-

просветительского восстановления и развития в независимом Узбекистане, и продемонстрировать возможность их реализации на практике.

Задачи исследования:

- раскрыть социально-философскую сущность понятия «духовное возрождение», показать его особенности в Узбекистане;
- определить социально-исторические этапы духовного развития в Узбекистане и осуществить научно-философский анализ;
- раскрыть сущность духовно-просветительской деятельности и ее социально-философское значение в современных условиях глобализации;
- дать соответствующие научные решения, сделать выводы, разработать предложения и рекомендации по перспективам повышения эффективности духовно-просветительской работы;

Объектом исследования являются исторические и эволюционные этапы духовного развития в Узбекистане, процесс выздоровления, перспективы роста и развития.

Предметом исследования являются исторические корни духовной жизни в Узбекистане, процессы духовного возрождения и перспективы роста.

Методы исследования. В диссертации используются такие методы, как научный, исторический, логический, постепенный, систематический, сравнительный анализ и синтез, диалог, интервью, контент-анализ, обобщение.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

концепция «духовного обновления» как приоритет государственной политики - это осознание национальной идентичности, свободы от чувства зависимости и страха, восстановление справедливости и национальной гордости, формирование нового мировоззрения;

выявлены исторические и эволюционные этапы духовного развития в Узбекистане (до создания Авесты; с 2700 г. до н.э. по 700 г. н.э.; после введения ислама; от вторжения царской России до приобретения независимости; период независимости) и процессы диалектического развития в формировании их национальной духовности;

